




# Ma'rifat

МАЪРИФАТ \* ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ \* مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 14 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 63 (7466)

**Bosilgan qadam-odatga, odat-xarakterga, xarakter esa, qismatga aylanadi.**

Uilyam TEKkerET



**Республикамизнинг барча олий ўқув юртлири остоналари бугун ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Илмга чанқоқ ёшларнинг узоқ вақтдан буён қилган меҳнатлари, кўпроқ билиш ва англаш йўлидаги сайъ-ҳаракатлари ўз баҳосини олмоқда. Хоҳлаган олий таълим муассасасига борсангиз бир нарсанинг шохиди бўласиз. Тест натижалари эълонлари елимланган тахта. Унинг қаршисида бир гуруҳ ёшлар. Бири ўзида йўқ хурсанд, иккинчиси эса бирозгина балл тўплай олмагани сабаб ҳар йили оила бюджетига "таъсир" этишидан кўнгли тўлмайроқ турибди, учинчисини эса уларга ҳавас қилишдан ўзга чораси йўқ...**

Суратда: ҳаяжонли дамлардан лавҳалар. Жамшид ШАРИПОВ олган суратлар.



Барчамизга маълумки, ўтган ўқув йилидан фарзандларимизнинг тўлақонли билим олишлари йўлида мамлакатимизда қатор хайрли ишлар амалга оширила бошланди. Ўқувчиларнинг ижара йўли билан дарсликларни харид қила бошлаганини бундай ишларнинг бири сифатида эътироф этишимиз мумкин. Бу йил ҳам мазкур тизимни давом эттириш, унинг қўламини янада кенгайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

### Yangilik

Бундан ташқари, ўтган ўқув йилида ижара тизими тажриба-синовдан ўтказилган 14 та туман умумтаълим мактабларида янги ўқув йилидан ижара дарсликлари тўплами янги ўқув қўлланмалари ҳисобига тўлдирилди ва тўлов миқдори белгиланди. Унга кўра 2-синф Она тили, Математика, Рус тили, 3-синф Она тили, Математика, Рус тили, 4-синф Она тили, Математика, Рус тили, 5-синф Она тили, Ўзбек адабиёти, Математика, Рус тили, Ботаника, Инглиз тили 1470 сўм (инглиз тили дарслиги бўлмаган дарсликлар тўплами учун — 1150 сўм, 6-синф Она тили, Ўзбек адабиёти, математика, рус тили, Ботаника, Зоология, Физика, Чет тили (инглиз тили) — 2000 сўм (чет тили дарслигисиз 1650 сўм), 7-синф Она тили, Ўзбек адабиёти, Алгебра, Рус тили, Зоология, Физика, Урта Осиё табиий Географияси, Ўзбекистон табиий географияси, Чет тили (Инглиз, Немис ёки Француз тили) — 2300 сўм (чет тили дарслигисиз 2000 сўм), 8-синф Она тили, Ўзбек адабиёти, Алгебра, Физика, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Одам ва унинг саломатлиги, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Чет тили (Инглиз тили ёки Немис тили) — 2400 сўм (чет тили дарслигисиз 2100 сўм)ни ташкил этади.

## ДАРСЛИКЛАРНИНГ ИЖАРА ҲАҚИ ҚАНЧА БУЛАДИ?

бошлаб 9-синфлар учун дарсликлар Давлат таълим стандартлари асосида лотин ёзувида нашрдан чиқарилди. Уларнинг ўн номдагиси, яъни "Она тили", "Адабиёт", "Кимё", "Физика", "Алгебра", "Геометрия", "Иқтисодий билим асослари", "Конституциявий ҳуқуқ асослари", "Информатика ва ҳисоблаш техникаси", "Инглиз тили" дарсликлари бевосита ижара тизимига киритилди. Мазкур дарсликлар тўпламининг бир йиллик ижара нархи 3250 сўм, инглиз тили ўқитилмайдиган мактабларда эса чет тили дарслигисиз 2900 сўм қилиб белгиланди. Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасвир этилган "Она тили" ва "Адабиёт" ўқув фанлари бўйича оригинал дарслик кўпёсимлиги ҳамда юқорида кўрсатилган дарсликлар қорақалпоқ тилига таржима қилиниб чоп этилмоқда. Қорақалпоқ тилидаги ижара дарсликларнинг нархи шу кунларда маълум бўлди.

Ўшбу тизим мамлакатимизнинг 143 туманидаги таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган 6300 та мактабда ўтказиладиган

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА ҲОКИМИЯТ:

# ЖИЗЗАХ ТАЖРИБАСИ

Таълим ва тарбия — юрт истиқболини белгиловчи муҳим омил. Зеро, унинг Ватанинг эртанги келажагини бунёд этувчи баркамол шахсини тарбиялашдаги ўрни алоҳида. Шу боис ҳам мамлакат тараққиёти, фаровонлиги тўғрисида бошқотирган давлат борки, фарзандлар камолтини таъминловчи мактабнинг — илм ўқоқлари фаолиятига биринчи даражали вазифа сифатида қараб келган. Аксинча, фақат бугуннинг таълими ва ўз эътиёби билангина чегараланган миллат эса таназзулга юз тутган. Бунга тарихда мисоллар кўп. Машҳур маърифатпарвар бобомиз Махдумқўжа Бехбудий ҳам бу ҳусусда фикр юритар экан, ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этган: "Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадриятли. Мактабнинг чин ва ҳаққоний маъносини билган миллатлар жонлари, моллари ила ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққий ривожига ижтиҳод қилурлар". Дарҳақиқат, ушбу мушоҳадалар бежиз эмас. Унинг замирида инсониятнинг асрлар давомида орттирган бой ҳаётий тажрибаси ўз аксини топади.

Юртбошимиз ташаббуси билан вужудга келган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёни ҳамжиҳатликни талаб этди. Бу борада Жиззах вилоятида амалга оширилган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, 2002 йилнинг январь ойида Республика Халқ таълими вазирлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг ўзаро келишуви асосида "Вилоят таълим бошқарув органи ҳамда маҳаллий давлат ва жамоат тақшилотларининг ҳамкорлик дастури" ишлаб чиқилган бўлиб, унинг вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадбиқ этилишидаги ўрни катта бўлмоқда.

### Jarayon

— Мазкур "Ҳамкорлик дастури" — дейди биз билан суҳбатда вилоят ХТБ бошлиғи Саидхадид Мирзабеков, — халқ таълими тизимининг мавжуд беш йўналишини ривожлантиришга қаратилган бўлимлардан ташкил топган. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Умумтаълим муассасалари. 2. Мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари. 3. Педагог кадрларни ижтимоий ҳимоялаш. 4. Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. 5. Таълим жараёнида нодавлат ва жамоат тақшилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилиши кабиларидир. Эътиборлиси, дастурда маҳаллий таълим бошқаруви органи ҳамда маҳаллий таълим ҳокимияти органи томонидан амалга ошириладиган ишлар, уларни бажариш муддати, бажарувчи масъу-

(Давоми 3-бетда)

### ГАЗЕТАНИ БАРАҚЛАГАНДА:

**ДУНЁДА БОР БЎЛСИН, ТОПСИН ЭҲТИРОМ ДУНЁ ТУРГУНИЧА ЎЗБЕК ДЕГАН НОМ**  
2-бет

**ДАРСЛИК БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛИ**  
3-бет

**"КЎҲИТАНГ"НИНГ КЎҲЛИК БОҒЧАСИ**  
ёхуд "Назматок"да 10 та тўғрақ фаол ишлапти  
3-бет

**СУВГА МУНОСАБАТ**  
бугун ўзгармаса эртага кеч бўлади  
4-бет

**ИБРАТНИНГ ҚИСМАТИ**  
5-бет

**КООПЕРАЦИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН**  
19-мақола  
6-бет

**КОЛЛЕЖДА КАФЕДРА ФИЛИАЛИ**  
6-бет

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ МЕЗОНЛАРИ**  
7-бет

**УЧРАШУВ**  
8-бет

**NAVBATDAGI MAJLIS**  
O'zbekiston Res-publikasi Prezidentining "Kompyuter-lashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to'g'risida"gi Farmoni va Vazirlar Mahkamasining bu boradagi qaroriga muvofiq tashkil etilgan kompyuterlashtirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish bo'yicha muvofiq lashtiruvchi Kengashning navbatdagi majlisi bo'lib o'tdi.

**XOMASHYO KO'PAYADI**  
Bekobodda Qora va rangli metall parchalari va chiqindilarni tayyorlash hamda qayta ishlashga topshirishni nazorat qilish va muvofiqlashtirish bo'yicha respublika komissiyasining navbatdagi yig'ilishi bo'lib o'tdi. Unda tegishli vazirlik, qo'mita, idora va tashkilotlar, shuningdek, hududiy boshqaruv organlari, ikkilamchi metall xomashyosini yig'ish va topshirish bilan shug'ullanuvchi muassasalar rahbarlari ishtirok etdi.

**ШОИР НОМИ ҲАМИША БАҲАЁТ**  
Марҳамат туманидаги 25-ўрта мактабга Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номи берилди  
Бўйи марҳаматликлар сингари кўпчилигининг кўнглини шод этди. Севишли шоирга эҳтиром рамзи бўлди.  
Ковунчи қишлоқликларнинг назарида гўё шоир иккинчи умрини бошлагандек. Қалби уйғоқ, ёниқ шоир шёрлари байтида, қўшиқлари қанотида, қалбимизда мангу яшаётгандек...  
— Муҳаммад Юсуф мактабимизда ўқиган, — деди мактаб директори Хошимжон Тоҳиров фخر билан бизга. — Мактабимизга шоир номи берилганидан ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Шоиримиз яна қаторимизга қайтгандек бўлди. Шу кунгик мактабнинг кираверишидаги пешлаҳасига Муҳаммад Юсуф номини чиройли қилиб ёзиб қўйдик. Хозирда мактабни таъмирлаш ишлари билан астойдил шуғулланяптиз.  
— Муҳаммад Юсуф мактабимизга келиб янги шёрларини ўқиб берганини доим эслаймиз, — дея сўзлади ўқитувчи Назархон Қодирова. — Шоирнинг шёрларини ўқувчиларимиз ёддан ўқиганида Муҳаммад ақанинг қанчалар қувонганини таърифлаш қийин.  
Меҳнат фахрийси, устоз муаллим Назархон Ҳожиқуловнинг ҳам шоирга меҳр-муҳаббати ўзгача. Унинг хотиралари бетакрор:  
— Муҳаммад Юсуфга бошқа муаллимлар қатори сабоқ берганман, у изланувчан, ҳаракатчан ўқувчи эди. Ўқувчилар газетасидаги яхши мақолалари учун "Артек"ка бориш мукофотини олганида кўпчилик ҳавас қилган...  
Ковунчи қишлоғидаги шоир туғилиб ўсган хонадон дўсту қадрдонлар ташрифи билан файзли. Бу хонадон соҳибаси Энаҳон буюнини зиёрат қилгани кирганимизда ҳам чорпоёда кексаю ёшлар суҳбати давом этарди. Энаҳон бизиларни ўз фарзандидек бағрига босди. Самимий сўзларни айтди.  
— Шоир ўғлимини йўқлаган юртдошларимизга раҳмат! — Тошкентдек азим шаҳарда, қишлоғимизда фарзандимнинг номи ёзилгани кўнглимга бироз бўлса ҳам таскин берапти. Илоё, ўғлимини улуғлаганлар ҳар дам омон бўлишинг?  
Энаҳоннинг дуолари ижобат бўлган!

**IXTIRO MUALLIFI KIM?**  
Ma'lumki, bugungi kunda radioaloqaning ixtirochisi sifatida rasman Popov va italiyalik olim Markani tan olinadi. AQSH fanlar akademiyasi esa mazzkur ixtiro, ya'ni simsiz aloqa bog'lash usulining kashfiyoti XX asrning iste'dodli olimlaridan biri Nikola Teslaga tegishli deb tasdiqlandi. Ma'lum bo'lishicha, olimning bu boradagi izlanishlari va tajribalari ilmiy sifatlarda saqlanib kelmoqda.

**SUN'IY YO'L BILAN**  
Amerikanning Shimoliy Karolina universiteti olimi Ueyn Kastso sun'iy pay yaratish texnologiyalaridan foydalangan holda ishlaydigan hujayra tutamini o'stirishga erishgan edi. Ayni paytda, amerikalik kardiologlar yurak hujayralarini sun'iy yo'l bilan o'stirishga kirishdilar. Mutaxassislarining ta'kidlashlaricha, kelajakda bu usul bilan yurakka "yamoq" solish mumkin.

**OILAVIY KINO**  
Navoiy nomidagi San'at saroyida tomoshabinlarni kino mahsulotlarini oilaviy tomosha qilishga jalb etish, eng yaxshi chet el va vatanimizda ishlab chiqarilayotgan ba'diy filmlarni ekran orqali namoyish etishni yaxshilash maqsadida dastur loyihasi ishlab chiqildi. Ularda daryodaryo konlar oqmaydi, kompyuterlar odamlar o'rninga rol ijro etishmaydi, ommaviy qir g'inlar bo'lmaydi, avtomatlardan to'xtovsiz o'q otilganini ko'rmasiz. Taklif etilayotgan filmlar dasturi matbuotda ham e'lon qilinadi.

**ILMIY-NAZARIY ANJUMAN**  
Toshkent Islom universitetida sharqshunos olimlar, tanliqli ulamolalar va mazkur o'quv dargohi o'qituvchi hamda talabalari ishtirokida "Islom dinida mazhablar" mavzuidagi ilmiy anjuman bo'lib o'tdi. Bosh vazir o'rinbosari H.Karomatov boshqargan anjumanda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Davlat maslahatchisi Z.Husniddinov, "Islom dinidagi mazhablarda diniy bag'rikenglik masalalari" mavzuida ma'ruza qildi.

**TEZDA ANIQLAYDI**  
Quturish kasalligi qadimdan xavfli dard hisoblanib kelinadi. Eng xavfli jihati, bu dard virusi odamda biror-bir belgisiz uzoq muddat saqlanishi mumkin. Isroillik olimlar mazkur xastalikni tezlik bilan aniqlash imkonini beruvchi kashfiyot yaratilganligi xususida bayonot berdilar. Demak, endilikda kasallikni zudlik bilan aniqlash va davolash imkonini yuzaga kelishi mumkin.

**YANGI GARMON**  
Buyuk britaniyalik va avstriyalik olimlar hamkorlikda tadqiqotlar olib borishib, natijada ular inson organizmidagi semirtiruvchi garmonni topishga muvaffaq bo'lishdi. Olimlarning ta'kidlashlaricha, bu ixtiro semirishga qarshi samarali vositalarni ishlab chiqish imkoniyatini yaratadi.

**O'qituvchi yon daftariga**













Агар дўппи кийган мард ўзбек бўлсан,  
Элиндан аяма меҳр-шафқатни!

Демак, бу муаллимнинг тарбиясини  
олаётган бири бўлганини туфайли сен  
ҳам бахтли одамсан...

### Ko'ngil bitiklari

#### TЎRTAIKLAR

Ёнма-ёнмиз, тутган жойимиз бошқа,  
Манзил биру улов-тойимиз бошқа.  
Сизга ёқмаслигим мумкин, азизим,  
Чунки бино бўлган лойимиз бошқа.

Ўқи — сиз, эгилган камон бўлдик биз,  
Дони — сиз, эзилган сомон бўлдик биз.  
Сизни гавҳар мисол авайлаб-асраб,  
Охир-окибатда ёмон бўлдик биз.

#### БИР СЎЗ БОР ДУНЁДА

Бир сўз бор дунёда, энг табаррук сўз,  
Тишлаган нонингдек лаззатли. Суюк.  
Айтсанг, лабларингни куйдирар бу сўз,  
Онанинг мўтабар, отангдек буюк.

Бир сўз бор дунёда, болдан-да ширин,  
Фарзадингдек азиз, эртангдек сирли.  
Неки мавжуд унда пинхон, яширин,  
У қуёшдек танҳо, ойдан-да нурли.

Бу сўз талаффузин шунчаки эмас,  
Айтмоқлигинг шартдир юракдан, дилдан.  
Соҳталиқни севмас, тақорини севмас,  
Ҳис эта билсанг бас, уни кўнглидан.

Бир сўз бор дунёда, шивирлаб айтсанг,  
Сенга ёниб қайтар мисоли гулхан.  
Сен ундан унгансан, бағрига қайтсанг,  
Кўксига жойловчи сўзки, бу — Ватан.  
Бир сўз бор дунёда...

Яйраҳон ХАЛИЛОВА,  
Балиқчи туманидаги 40-ўрта  
мактаб ўқитувчиси

#### АГАР ДЎППИ КИЙГАН БЎЛСАНГ

Бу дунё ўткинчи, умр ўткинчи,  
Ўтишди, ўтамиз, ўтарлар бир-бир.  
Одамлардан қолур ёркин хотира,  
Ва умр мазмуни — инсоний қадр.  
Агар дўппи кийган мард ўзбек бўлсанг,  
Элингдан аяма меҳр-шафқатни!

Оллоҳга инонган меҳнаткаш, софдил,  
Йймони бут бўлган инсонлар ҳақдир.  
Элим деб яшаган, юртим деб ёнган,  
Одамларнинг умри ҳақиқий тақдир!  
Агар дўппи кийган мард ўзбек бўлсанг  
Элингдан аяма меҳр-шафқатни!

Момолар дуоси, болалар руҳи,  
Бизни қўллагани, асраши ростдир.  
Нурли келажакни бугун яратиш,  
Юракда ўти бор ўзбекка хосдир.  
Агар дўппи кийган мард ўзбек бўлсанг,  
Элингдан аяма меҳр-шафқатни!

Улкан қурилишлар, улкан режалар,  
Биз учун кундалик ишлар мезони.  
Яратиш ишида кундуз-кечалар,  
Толмаган инсоннинг йўқдир армони!  
Агар дўппи кийган мард ўзбек бўлсанг,  
Юртингдан аяма кучу қувватни!

Шод, соғлом ўсмоқда бу шонли авлод —  
Хур овоз Ватанинг эрка дилбанди!  
Нурли келажакни яратур албат,  
Самодек бағрикенг элнинг фарзанди!  
Агар дўппи кийган мард ўзбек бўлсанг,  
Ватандан аяма, бор шижоатни!

### ЧИМИДИК

Бокира қизларнинг поклиги,  
Ифрати рамзисан, чимилдиқ!  
Йигит-қиз ниятин софлиги,  
Бахтисан, тахтисан, чимилдиқ!

Гўшангада ажиб бир дунё,  
Туйиш мумкин, сўзлашга тил лол.  
Бундайин бахт бўлар фақат,  
Лаҳза каби умрда бир бор.

Гўшангада йигит-қиз ёлғиз,  
Дилда кўрқув, ҳадик, ҳаяжон.  
Қалб кўзлари сўзлашар сўзсиз,  
Ҳаётдаги энг бахтиёр он.

Гўшангага йигит-қиз меҳмон,  
Улар туяр бахтининг тотини.  
Шивирлайди қизнинг лаблари,  
Муҳаббатнинг айтиб отини.

Жилмайиб мўралар янгалар,  
Ёшлиги тушишиб ёдига.  
Вужуди титраган йигит маст.  
Қиз лабин бол каби тотига.

Гўшангада икки бахтли ёш,  
Орзулари — беғубор осмон!  
Атрофингда гирён ой, қуёш,  
Ерда ҳаёт этади давом!..

Эргаш ОЧИЛ ўғли,  
Пахтачи туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси

# УЧРАШУВ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

"Мақтаба янги ўқитувчи келди", дейишди. Бизлар ўнинчи синфда ўқиб юрган кезларимизда, унча катта бўлмаган мактабда бу янгилик яшин тезлигида тарқайди. Бундан ташқари янги келган ўқитувчи олийгоҳни эндигина тугатган, ўзи ҳам истаралигинан экан. Кейин яна бир гап чиқиб қолди. Гулнора опа бизларга синф раҳбари бўлармишлар. Буни эшитиб синфдаги барча ўқувчилар қизиқиб қолди. Айнақча биз йигитларни айтмайсизми, овозимиз дўриллаб, мўйловларимиз сабза уриб қолган бўйимизни-ку қўяверасиз, нақ шифтга етиб қолган. Ҳаммининг кўзи эшикда. Бу пайтда кимнинг кўнглидан нима ўтаётгани ёлғиз ўзига аён. Эшик очилиб, дадил одимлаб Гулнора опа кириб

келдилар. Ҳаяжонда биров юзлари қизарган, лабларида ним табассум. Учрашув бошланди, бутун синф уларни севиб қолди, лекин ўзимиз сезмаган ҳолда учрашувни бой берган эдик. Ҳатто орқа парталарда ўтирадиган ўқувчилар ҳам ивиришиб қолди. Бир йил давомида Гулнора опа бошчилигида шунақа қизиқарли тадбирлар ўтказилдики, мактабни тугатганимизга қарийб ўттиз йил ўтган бўлса ҳам, синфдошлар йиғилиб қолганда ўша воқеаларни ҳаяжонли равишда баҳслашди. Гулнора опа ҳар бир ўқувчига сиз-

лаб мурожаат қилардилар, улар бизга химиядан дарс берадилар, бизнинг синфда химия фашидан уч баҳога ўқийдиганни топиб бўлмасди. Синф раҳбаримизнинг бизга таъсирлари бўлдики, ҳарқалай биз бир-биримизга сизлаб мурожаат қилардик. Хул-

аси калом синфда ҳамма бир-бирини янада ҳурматлайдиган бўлди. Танлашув бўлди дегунча биз уларнинг, улар эса бизнинг олдимизга юғурайдиган бўлиб қолдик. Шу устозларнинг бизга берган меҳрими ёки бизларнинг уларга бўлган чексиз ҳурмати-

мизми, синфимиздаги кўпчилик ўқувчилар ўқитувчилик касбини танлашди, жумладан, мен ҳам. Яқинда ўқитувчилардан бири менинг ёнимга бир хато иш қилиб қўйган ўқувчини бошлаб келди, мен унга қаттиқ танбех бердим, ундан тушунтириш хати олиб, кейин-

лими? — деди тортиниб. — Сиз нега мени шунча уришдингиз, лекин бирор марта сөнламадингиз?  
— Дилруҳон, қадрдон, бу бир омонат, буни ўттиз йил аввал сиздек ўқувчи бўлган пайтда менга синф раҳбаримиз топширганлар, менинг муомалам сизга шунчалик таъсир қилган бўлса, мен ҳам бугун сизга шу омонатни топширдим, деб биланам. Ордан йиллар ўтиб сиз ҳам шу омонатни бировга топшириб, уларнинг кўнглида ҳам озгина бўлса-да, эзулик уйғотарсиз, деган умиддаман

### Hikoyalar

қаторида Тошматов Юсуф Раҳимовичнинг ҳам борлиги уни жуда тўққинлаштириб юборди. Шоғирларини туғри йўлга сола олмаган, улардан фахрлана билган шундай улуг инсоннинг ҳукумат эътиборидан четда қолмаганини уни ичидан гурурга чулғади. "Интиланга толе ёр, — дилдан кеңирди. — Сенинг шу даражага етишингда Юсуф аканинг таъсири катта бўлган. Демак, бу муаллимнинг тарбиясини олганлардан бири булганми туфайли сен ҳам бахтли одамсан!..."

Яқинда Собиржон раҳбарлик қилаётган мактабга синфдош дўсти келганда мактаб биноси билан бўйлашиб усаётган тераклар сафини кўриб, — Тераклар зўр усибди, дўстим буларни ким экан? — деб сўради қизиксиниб. Шунда Собиржон: — Пайшанба марказидаги улкан кизматлари сабаб ҳукуматимиз томонидан "Соғлом авлод учун" орден билан тақдирланганлиги туғрисида газетада ўқиб, Собиржоннинг кўзи сенинч ёшига тулди. Мукофотланганлар

Саид АБДУЛЛАЕВ

## УСТОЗНИНГ ТЕРАКЛАРИ

Одатдагидек, волейбол майдончасида юқори синф ўқувчилари уйин бошлаб юборишди. Майдон атрофидаги томошабин болалар орасида ёши ун учларда, бўйи эса узунгина, озгандан келган бир бола турарди. Мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Юсуф ака шу болага тикилиб қолди. Бу боланинг волейболга бўлган қизиқиши ҳар бир жисмоний тарбия дарсида намоян бўлар, уз тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралаётган турарди. У кейинги пайтларда кўпчилик дарсдан сўнг мактабда қолиб, ўзининг болалар билан волейбол уйнади. Шуларни уйлаб, ўқитувчи болага яқинлашди. "Собиржон, мен сени бу ерда кўп кураман, волейболга қизиқар экансан-а?" Бола ийманибгина. — Жуда, — деб қўйди.

— Ҳозир майдонга туширсам уялтириб қўймайсанми? — қизиқсинди ўқитувчи. Бола кўрқиб кетди, аммо Юсуф ака айниб қолмасин, деган ўй билан шошиб. — Ҳаракат қиламан, — деди. Унинг иккиланшига салбаб, у майдондаги болалардан ёшироқ бўлиб, улардек тажрибага эга эмасди.

Собиржон шу кундан бошлаб Юсуф ака билан деярли ҳар куни учрашадиган, у киши раҳбарлигида волейбол уйнайдиган бўлди. Натижа ёмон бўлмади. 8-синфдалигидаёқ мактаб терма жамоасига сардорлик қила бошлади.

Орадан йиллар ўтиб, Собиржон Тошкентдаги мактаблардан бирига раҳбар қилиб тайинланди. Оиласи билан қишлоққа келган кунларнинг бирида Юсуф ака билан учрашди. Унинг пенсияга чиққанини эшитгач, у кишини бориб кўрди, анча чарчаклашиди. Уша дақиқаларда устознинг кўнглини оялаш ниятида илк гап қидирди.

учин ер ажратиб беришди. Атрофига тераклар экканман, шуларга сув қўйиб, парварিশлаб юраман... — деди устоз.

### ҚАЙСИ БИРИ ҲАҚЛИ?

Бой уч ўғлига минг тиллодан берди. Катта ўғли минг тиллога битта учар гилам, ўртанчаси битта ойна, кичиги битта олма сотиб олдилар. Иттифоқо, уччаласи ҳам бир гўзал қизни севиб қолишди.

Учар гилам ҳар қандай узокни яқин қилади, ойнага қаралса, дунёдаги барча нарслар кўрилади. Олмани еса ўлим тўшағидаги бемор ҳаётга қайтади.

Қиз бетоб бўлиб, узокда ўлим билан олишмоқда. Уртанча ўғил ойна орқали унинг ҳолини кўриб, ака ва укасини бундан хабардор қилди. Улар ҳам қизни кўриш иштиёқида учар гиламга миниб, олмани олиб, тезликда унинг ёнига етиб боришди. Олмандан бир тишлам ейиши билан қиз ҳаётга қайтди.


Уч ака-укадан қайси бири қизни олишга ҳақли?

### АКА-УКАЛАР КИМПИГИНИ БИПАСИЗМИ?

Тарихда икки ака-ука яшаб ўтган. Иккаласи ҳам бир жойда туғилган. Укаси 4 йил умр кўрган. Акаси эса 6 йил яшаган. Ака-уканинг туғилган йиллари ўртасида йигирма беш йил тафовут бор. Уларни топишга ҳаракат қилиб кўринг.

Эринмасангиз, жавобларингизни тахририятимизга ёзиб юборинг.

## Ватан манзаралари



Тузувчи: Давронбек ТОЖИЛИЕВ

### Xullas...

#### ҲАЁТ ВА ЎЛИМ ОРАСИДА

Америкалик сехргар Дэвид Блейнга "ўлиб" тирилиш, танасини иккига бўлиш ҳеч гап эмас. Аммо мухлисларини лол қолдириш, олқишини олиш Дэвидга осон дейсизми? Сира ҳам. ... Уч кун муз бўлаклари ичиде ётишни ва сўнгра қайтиб чиқишни мўлжаллаган Дэвиднинг кўнглида икки хил фикр ҳукм сурарди: ё ҳаёт, ё ўлим!

Шундай қилиб, саналган кунлар ҳам ўтди. Сехрларнинг тақдир не кечди? Бу ёғи ёлғиз худого аён. Ҳар тугул замонавий эртанинг давомини хайрли тугади. Муз парчалари ичидан йўқолган сехргар эсон-омон ёруғ оламга чиқди. Дафъатан, бутун аъзойи-бадани муздан акашак бўлиб қотиб қолган Дэвид ўзининг тирик ёки ўлик эканлигини ҳам англай олмади. Қулони мухлисларнинг вағир-вуғури эшитилгандан сўнгина, сехргар тирик эканлигини дилдан ўтказди.

Журналистларга ўзининг бу хилдаги қалтис чиқишлари ҳақида интервью берар экан, Дэвид ҳар сафар ўлимдан чекиниб кетишга ожизлик қилишини, ўзига фақат парвардигор мададкор бўлишини таъкидлайди.

#### СОВРИН ОЛГАН ТЕЛЕЖКА

Франция президенти соврини учун ўтказилган 103-ярмаркада 800 минг даъвогар иштирок этди. Улар 64 та мамлакатнинг вакиллари эди.

Ажойиб ва ғаройиб ишланмалар орасида 1919 йилдаги шарикли ручка, 1923 йилги чангопчиқ, 1937 йилги сунъий юрак, 1948 йилги контакт линзалари бўлса-да, улардан кўра юқори баҳоланган электротележка президент соврини муносиброқ топилди. У иккита электр двигателига эга, бошқарув тизими жуда ҳам содда. Ҳакамлар ҳайъатининг фикрига кўра, тележка қариялар учун бағоят қулай мослама бўлиши мумкин. Унга жойланган сабзавот ва мевалар ўз намлигини йўқотмайди.

800 мингта ажойибу ғаройиб кашфиётлар ичидан совринга муносиб топилган бу тележка Мартин Лозего ижодига мансубдир. У энди президент томонидан сийланган.

#### ана shunaqa gaplar

«Ma'rifa!» нашриятдаги материалларни «Ma'rifa!» нашриятдаги материалларни Pentium компьютерда Линия БИНАШЕВА ва Махлоҳат ТОШОВА саҳифаллади.

«Шарқ» нашрият-мактаб акционерлик компанияси босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Боснига тошириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00

**Ma'rifa!**  
ТАЪСИС  
ЭТУВЧИЛАРИ:  
Ўзбекистон Ҳаёқ таълими  
азирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта  
маҳсус таълим вазирлиги, Тавалли ва  
фан ходимлари касабга уюшмаси  
Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Тахрир хайъати: Йўлдош АХМЕДОВ, Жуманазар  
БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин ҚАРИМОВ (масъул котиб), Қур-  
бонбой МАТКУРБОНОВ, Усмоноли МУСАЕВ,  
Абдусамат РАХИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Худай-  
р ТҲИМОНОВ, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Утқур  
ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот  
Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь  
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-729.  
Тиражи 23789 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган, қроғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:  
Хулқар ТҲИМОНОВА,  
Навбатчи:  
Баҳоидир ЖОВЛИЕВ.

«Ma'rifa!»дан материалларни кўчириб босиш тахририят рух-  
сати билан амалга оширилиши шарт.  
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабга  
ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими—136-54-23,  
умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва  
ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таъ-  
лим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-56-10.

Газета материаллари  
«Ma'rifa!» нашриятдаги материалларни Pentium компьютерда  
Линия БИНАШЕВА ва Махлоҳат ТОШОВА саҳифаллади.

«Шарқ» нашрият-мактаб акционерлик  
компанияси босмаханаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Боснига тошириш вақти — 20.00.  
Топширилди — 20.00